

Рамазон ойи муборак бўлсин!



16:30 / 28.02.2025 2906

Азиз юртдошлар, мухтарам мўмин-мусулмонлар! Барчангизни рўза ва Қуръон ойи, тақво ва тавба ойи, раҳмат ва шафқат ойи, мағфират ва дўзахдан озод бўлиш ойи, барака ва савоб ойи Рамазони шариф билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз!

Аллоҳ таоло Ислоннинг беш арконидан бири бўлмиш рўза ибодати учун хослаган бу ойни иймон-эътиқод билан, ажру савоблардан умидвор бўлган ҳолда ўтказишни, бу ойда қилинган солиҳ амаллар учун ваъда қилинган беҳисоб улуғ мукофотларга ноил бўлишни барчамизга насиб айласин!

Бу қисқа онларни бой бермай, ғанимат билиб, унумли фойдаланиб қолишда Аллоҳ таоло барчамизга тавфиқ, офият берсин!

Аллоҳ таоло бу муборак ойни юртимиз учун, бутун дунё мусулмонлари учун тинчлик-хотиржамлик, тоат-ибодат, тақво ойи, Қуръон ойи қилсин, иймон-ҳаловатини, ибодат лаззатини насиб этсин!

Барчаларимизга Рамазон ойи қутлуғ бўлсин, Аллоҳ таоло тутган рўзаларимизни ва бошқа ибодатларимизни Ўз даргоҳида ҳусни мақбул айласин!

Islom.uz портали жамоаси